

Ал-Азкор / Ал-Азкор / 205-ҳадис

* وروينا في كتاب ابن السني، عن طلق بن حبيب قال: جاء رجل إلى أبي الدرداء فقال: يا أبا الدرداء قد احترق بيتك، فقال: ما احترق، لم يكن الله عز وجل ليفعل ذلك بكلمات سمعتن من رسول الله صلى الله عليه وسلم، من قالها أول نهاره لم تصبه مصيبة حتى يمسي، ومن قالها آخر النهار لم تصبه مصيبة حتى يصبح: "اللهم أنت ربي لا إله إلا أنت عليك توكلت وأنت رب العرش العظيم، ما شاء الله كان، وما لم يشأ لم يكن، لا حول ولا قوة إلا بالله العلي العظيم، أعلم أن الله على كل شيء قدير، وأن الله قد أحاط بكل شيء علماً، اللهم إني أعوذ بك من شر نفسي، ومن شر كل دابة أنت آخذ بناصيتها، إن ربي على صراط مستقيم".

ورواه من طريق آخر، عن رجل من أصحاب النبي صلى الله عليه وسلم، لم يقل: عن أبي الدرداء، وفيه: أنه تكرر مجئ الرجل إليه يقول: أدرك دارك فقد احترقت، وهو يقول: ما احترقت لأني سمعت النبي صلى الله عليه وسلم يقول: "من قال حين يصبح هذه الكلمات، لم يصبه في نفسه ولا أهله ولا ماله شيء يكرهه"، وقد قتلها اليوم، ثم قال: انهضوا بنا، فقام وقاموا معه، فانتهاوا إلى داره وقد احترق ما حولها ولم يصبها شيء".

205/36. Талқ ибн Ҳабибдан ривоят қилинади:

«Бир киши Абу Дардо розияллоҳу анхунинг олдларига келиб: «Эй Абу Дардо, уйингиз ёниб кетди», деди. Абу Дардо эса: «Аллоҳ аzza ва жалла бундай қилиши мумкин эмас. Чунки мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир нечта калимани эшитганман. Ким уларни кундузи айтса, кеч киргунича унга бирор мусибат етмайди. Ким уларни кечки пайт айтса, тонг отгунича унга бирор мусибат етмайди, деганлар. У дуо қуйидагича:

اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ عَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ، مَا شَاءَ اللَّهُ
كَانَ وَمَا لَمْ يَشَأْ لَمْ يَكُنْ، أَعْلَمُ أَنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ وَأَنَّ اللَّهَ آخِطٌ بِكُلِّ شَيْءٍ
عَلِمًا. اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ نَفْسِي وَمِنْ شَرِّ كُلِّ دَابَّةٍ أَنْتَ آخِذٌ بِنَاصِيَتِهَا إِنَّ
رَبِّي عَلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

«Аллоҳумма анта роббий, лаа илаҳа илла анта ʔалайка таваккалту ва анта роббул ʔаршил ʔазийм. Маша`аллоҳу каана ва маа лам йаша` лам якун. Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳи ʔалиййил ʔазийм. Аъламу анналлоҳа ʔала кулли шай`ин қодийр ва анналлоҳа қод аҳато бикулли шай`ин ʔилма. Аллоҳумма инний аъзузу бика мин шарри нафсий ва мин шарри кулли даббатин анта ахизун бинасийатиҳа, инна роббий ʔала сиротим мустақийм».

(Маъноси: Аллоҳим, Сен парвардигоримсан. Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сенга таваккал қилдим. Сен улуғ арш Раббидирсан. Сен хоҳлаган нарса бўлади, хоҳламаганинг бўлмайди. Улуғ ва олий Аллоҳдан бошқада ўзгартириш ва қувват йўқ. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир эканини биламан. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани илми билан ихота қилгандир. Эй Раббим, нафсимнинг ёмонлигидан ва пешонасидан тутадиганинг ҳар бир ҳайвоннинг ёмонлигидан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман. Албатта, эй Раббим, Сенинг йўлинг тўғри йўлдир.)

Ибн Сунний ривоятлари.

Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бирининг ривоятида келтирилишича, бир киши у саҳобанинг олдларига келиб, уйингиз ёниб кетди, деб хабар берганида, бу саҳоба: «Ёниши мумкин эмас. Чунки мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан, кимки тонг отганда шу калималарни ўқиса нафсига, аҳлига, молига ёмон кўрган бирор нарса етмайди, деганларини эшитиб, бугун шу калималарни ўқиган эдим», дедилар. Сўнгра у киши билан бирга ҳовлисига боришса, ҳовли атрофи ёниб, уйга зарар етмаган экан.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVAIDLARI

